



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№4/2

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Умар Худайбердиев Камбағаллик даражаси ва уни қисқартириш йўллари	66
Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусова Аҳолининг ўсиши, камбағаллик даражаси ва аҳоли камбағал қатламининг ўзгариш тенденциялари	69
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Nilufar Abdaxatovna Abdukadirova Umumiy ovqatlanish korxonalari faoliyatida innovatsiyalarni rivojlantirish yondashuvlari	74
Навруз Абдуллаевич Кудратов Пути эффективного развития услуг электронной коммерции (на примере Самаркандской области)	77
Dilrabo Shirinboyevna Mardonova Samarqand viloyatida mehmonxona xizmatlari integral samaradorligi ko‘rsatkichlarini hisoblash	80
Farhod Mahmudovich Tirkashyev Xizmatlar ko‘rsatish sohasida intellektual mulk obyektlarini boshqarish xususiyatlari	86
Lazizjon Sharifovich Kuldoshev Xizmat ko‘rsatish sohasida raqobatbardoshlik salohiyatini baholashga ilmiy yondashuvlar	91
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Аҳмаджон Таниев Туризмнинг атроф-муҳитга таъсири ва барқарор ривожланиш стратегиялари	97
Umida Ziyadullayevna Raximova Turizm Infratuzilmasining hozirgi holati	105
Gulmira Rabbonovna Tursunova Turistik mahsulot iste’molchisini tasniflash	110
Bekzod Sherzodovich Sharipov Inklyuziv turizm destinatsiyalarini shakllantirishning konseptual, nazariy-metodologik asoslari	116
Ulug‘bek Egamberdiyevich Boynazarov Oilaviy mehmon uylari uchun mahalliy va xalqaro me‘yorlar xususiyatlari	121
Dilyor Zafarovich Hakimov O‘zbekistonda etnografik turizmni rivojlantirish samaradorligini oshirish yo‘llari	124
Зухрали Турсуналиевич Абдулхакимов Туризм индустриясини ривожлантиришда минтақавий назариялар ўрни ва роли	130
Aziza Javaxirovna Mir-Djafarova Mehmonxona xo‘jaligida yashil texnologiyalarni joriy qilishning innovatsion yechimlari	135
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Азизбек Исомиддин ўғли Асроров Кичик бизнес субъектларини кредитлаш тизимини такомиллаштириш масалалари	139
Pyos Pخomovich Ayubov, Sumbula Kurasheva Iqtisodiy islohotlarning tadbirkorlikni rivojlantirishdagi o‘rni	145

Зухрали Турсуналиевич Абдулхақимов – Наманган муҳандислик-технология
институтини доценти, PhD

ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МИНТАҚАВИЙ НАЗАРИЯЛАР ЎРНИ ВА РОЛИ

Аннотация. Ушбу мақолада туризм индустрияси ривожланиши учун хизмат қилувчи минтақавий назариялар таъсири, туристик ижтимоий шакллар турларини ажратиш орқали ҳар бир ҳудуднинг туризм индустриясини ривожлантириш йўналишлари кўрсатиб ўтилган ҳолда минтақаларда туристик объектлар фаолиятини жадал ривожланишига хизмат қилиш йўллари, уларни истиқболдаги йўналишлари бўйича илмий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жаҳон туризм бозори, туризм индустрияси, минтақавий туристик концепциялар, туристик объектлар, туристик марказлар, туристик ижтимоий шакллар, мужассамлашув, ихтисослашув, кооперация, комбинация, туристик драйверлар, туристик имкониятлар, туристик хизматлар, глобал макон.

Кириш. Жаҳон туризм бозоридаги чуқур таркибий ўзгаришлар, турли-туман инкирозли даврларни юзага келиши натижасида мамлакатимизда туризм индустриясининг самарали фаолият юритиши учун зарур бўладиган илмий концепцияларни ўрганишимиз ва туризм индустриясига мос, уни ривожланишига таъсир этувчи омилларни чуқур таҳлил қилиш зарур бўлади.

Шундай ҳолатда туризм индустрияси фаолиятини ташкил этишда минтақавий концепцияларни аҳамиятини ўрганиш, минтақавий туристик концепцияларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий этиш бугунки куннинг долзарб масалалардан ҳисобланади. Туризм индустриясини бугунки кундаги муаммоларни асосий қисми эса минтақавий туристик объектларни аниқлаштириш, туристик минтақавий марказларни янгидан ташкил этиш, ҳар бир минтақаларда шу ҳудуд учун хос бўлган хусусиятларга таянган ҳолда туристик фаолият марказларини ташкил этиш керак бўлади.

Биз ҳозирги кунда минтақавий туризм фаолиятини ташкил этишга таъсир этувчи омилларни ўрганишда минтақавий жойлаштириш назарияларига таянган ҳолда минтақавий туристик концепцияларни тайёрлаш орқали ҳудуднинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга эришиш, минтақаларда туризм индустриясини ривожлантириш билан иқтисодиётни бошқа тармоқларини жадал ривожланиш даражаларига эришиш йўлларини тайёрлашдан иборат.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Туризм индустриясини ривожлантириш, уларни жадал суръатларда ўсишини таъминлаш орқали минтақалар иқтисодиёти янгидан ташкил этиш, минтақалардаги мавжуд туристик фаолиятдаги муаммолар ва уларни ечими топиш, туризм индустрияси ривожланишида минтақавий жойлаштириш назариялари таъсири аниқлашнинг назарий-методологик жахатлари хорижлик олимлар В. Sofronov [1], Claudio Calero and Lindsay W Turner [2], David J. Telfer [3], Richard Sharpley [4], Leszek Butowski [5], Snezana Vujadinovic [6] каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларида ёритилган. Туризм индустрияси ривожланишидаги муаммолар ва уларни ечимлари билан боғлиқ ва туристик тадбиркорлик масалари билан МДХ мамлакатлари бўйича М.А. Морозов [7], Н.С. Морозова [8], Н.Н. Егоров [9], И. Т. Балабанов [10] ва бошқа олимларни илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Тадқиқот методологияси. Кейинги даврдаги илмий тадқиқотларга эътибор қаратадиган бўлсак, глобал макон билан бирга кичик минтақалар ёки ҳудудлар кесимида тадқиқотлар кўпайганлиги кузатилмоқда, шу сабабдан туризм индустриясини минтақавий жойлаштириш назариялари асосида ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқаришни ижтимоий шаклларини туризм индустриясида қўллаш, уларни истиқболдаги ривожланиш йўлларини белгилаш кўрсатилган бўлиб, уларни ҳар бир ҳудуд учун мос келадиган оптимал вариантлари ишлаб чиқиш мақсад қилинган.

Шу билан бирга туризм индустрияси ривожланиши ўрганиш, истиқболдаги йўллари аниқлашда кузатув, анкеталаш, гуруҳлаштириш, баланслаш, эконометрик моделлаштириш, башоратлаш усулларидан кенг фойдаланилган бўлиб, улар асосида тадқиқот иши

учун керакли маълумотларни тўплаш, аналитик таҳлил усулларида кенг фойдаланилди.

Туризмни ижтимоий шакллари ишлаб чиқиш орқали ҳудудларда туристик объектлар фаолиятини янгидан ташкил этиш, уларни истиқболда ривожланиш имкониятларини белгилаш бўйича илмий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар. Туризм индустрияси бўйича дунё амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, минтақалар иқтисодиётини ривожланишини таъминлаш учун минтақа, миллий, халқаро даражада ривожланиш суръатига эришишни таъминлаш амда ўзаро боғланган туристик объектлар ўртасидаги мустахкам интеграциялашган туризм индустриясини яратиш учун минтақавий хусусиятларни аниқлаштириб олиш, шунга мос минтақавий туристик концепцияларни эгаллашга қаратилган самарали фаолият юритиши учун зарур бўладиган ривожланиш драйверларидан бирига айланишига хизмат қилади.

Бундан ташқари туризм индустриясида амалга оширилаётган минтақавий жойлаштириш назарияларини туризм соҳасига амалга ошириш учун зарур туристик дастурларни тайёрлаш ва унга оид тадбирларни ишлаб чиқиш масалаларига катта эътибор қаратилди. Шу сабабдан мамлакатимизда соҳани ривожлантириш учун минтақавий туризм концепцияларини ўзига хос хусусиятлари асосида ишлаб чиқиш ва шу хусусиятларни чуқур таҳлил қилиш, илмий жиҳатдан ўрганиш орқали илмий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. 1-расмда берилган маълумотлардан шуни англаш мумкинки, минтақавий туризмни ижтимоий шакллари тайёрлашда даврида А.С.Солиев, Э.А.Ахмедов, Р.Й.Маҳамдалиев, М.И.Назаров, З.Н.Тожиева, М.Ж.Болтаев, У.А.Атажановалар томонидан тайёрланган “Минтақавий иқтисодиёт” номли ўқув қўлланмада берилган ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ташкил этиш шаклларида тўғридан-тўғри олинди ва берилган ижтимоий шакллардаги мужассамлашув, ихтисослашув, кооперация, комбинация деб номланган шаклларни биз туризм индустриясида қандай фаолият олиб бориши, туризм индустрияга таъсир даражаси аниқлаш ва амалда шу тўртта шакл орқали минтақаларда туристик ривожланиш драйверларини ташкил этишни ўрганишдан иборат.



1-расм. Минтақавий туризмни ижтимоий ташкил этиш шакллари¹

“Мужассамлашув корхона ёки бошқа ишлаб чиқариш объектларининг катта-кичиклигини англатади, бу жараён саноат мисолида аниқ кўзга ташланади ва бу жараённи ўзига хос қонунияти мавжуд, унга кўра бир вақтлар маҳсулотлар унча катта бўлмаган корхоналарда унча катта бўлмаган корхоналарда ишлаб чиқарилган бўлса, кейинчалик улар аста-секин йириклашиб борган” [11] ва мужассамлашув жараёни автомобил ишлаб

¹Минтақавий иқтисодиёт. А.С.Солиев, Э.А.Ахмедов, Р.Й.Маҳамдалиев, М.И.Назаров, З.Н.Тожиева, М.Ж.Болтаев, У.А.Атажановалар маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

чиқариш, металлургия комбинатлари, гидроэлектрстанциялар, тўқимачилик комбинатлари мисолида ҳамда қишлоқ хўжалигида, таълим соҳаларида, савдо марказлари мисолида кўришимиз мумкин бўлади.

Бизнинг тадқиқотимизда эса **мужассамлашув** жараёнини туризм индустриясида кўллаш мумкин бўлади, туристик фаолиятни дастлаб кичик объектларни ташкил этиш орқали тиклаш мумкин бўлади, секинлик билан бундай туристик объектларни йирик шакллари ташкил этиш зарур бўлади. Бунда туристик объектларни кенгайтиришда маълум чегарага, меъёрларга эътибор қаратиш керак ва туристик фаолиятни худуднинг имкониятлари, худуднинг ўзига хос бўлган хусусиятларига асосланган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Мужассамлашувни ривожланишини давомида туристик марказлар ва объектлар ташкил топади, уларда ишчи-ходимлар тўпланади, туристик хизматлар даражасини юқорилашуви натижасида аҳоли ўртасида туристик тадбиркорлик ривожланади, аҳолини иш бандлик даражаси ортади. Шу сабабдан бизнинг фикримизча туристик мужассамлашув жараёнини ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Туристик мужассамлашувни ривожланиши ўз навбатида туризм индустрияси билан бирга хизмат кўрсатиш соҳаларини, ахборот-коммуникация соҳаларини юқори суръатдаги ривожига ва савдо-сотикни жадал ривожланишига таъсир этади. Маълум танланган худудда ривожланган туристик мужассамлашув даражаси маълум нуқтада ривожланишдан тўхтади, аммо туристик объектлар унча узоқ бўлмаган маконда жойлашади ва ўз навбатида туристик марказларга айланишига олиб келади.



2-расм. Туристик мужассамлашувнинг асосий турлари¹

Туризм индустриясида туристик объектни жадал ривожланиши оқибатида танланган худудда яқка объектни йириклашуви кузатилади, бу жараён туристик хизматларни монополлашувига олиб келади, аммо даставвал туризм ривожланмаган худудда битта туристик объектни ташкил қилиб ривожлантириш талаб этилади. Туристик салоҳияти юқори бўлган кичикроқ худудда битта туристик объектни мавжуд бўлиши кейинги ривожланишда ижобий ҳолат деб бўлмайди, шу билан бирга бу объектларни жамланиши уларни туристик марказларга айланишига олиб келади ва улар таркибида кўплаб кичик туристик объектларни ташкил этиш мумкин бўлади. Туристик марказларни тарқоқ ҳолда ривожланиши кўп ҳолатларда кузатилади, кучли ривожланган туристик объект ва тарқоқ ҳолда ривожланиш хусусиятига эга бўлган туристик марказлар ўз навба-

¹ Муаллиф ишланмаси

тида туризм минтақаларини ривожланишига асос солади.

Мамлакат иқтисодиётида туризм индустриясини жадал ривожланишини таъминлашда туристик мужассамлашувни барча шакллари ташкил этиш энг самарали йўналишлардан бири ҳисобланади, паст даражада ривожланган туристик объектлар ўз навбатида туристик марказлар фаолиятини жадаллашувига олиб келса, масалан Самарқанд дейилса биринчи ўринда кўз олдимизга Регистон майдони, Хоразм десак очик осмон остидаги музей келади, шу сабабдан Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида туристик объектлар, туристик марказлар, туристик минтақалар каби туристик мужассамлашув шакллари ташкил этиш ва жадал ривожланиш даражасига эришиши учун шарт-шароитлар яратиш зарур. Бундан ташқари туризм индустриясида йирик туристик объектларни ташкил этиш ҳар томонлама самарали йўналиш деб бўлмайди, кичик, ўрта туристик объектлар фаолиятини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Айни вақтда туристик хизматларни турли хил катталиқдаги туристик объектлар, туристик марказлар, минтақаларда ташкил этиш мумкин, бу кўплаб янги тадбиркорлар учун имконият яратиб беради ва туризм индустриясида турли-туманлик кўпаяди, мамлакат туризм индустрияси ранг-баранглиги ортади, ҳар бир минтақаларнинг туристик жозибadorлиги ошади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки мужассамлашув саноат бўлгани каби туризмда ҳам маълум чегарага ва меъёрларга амал қилиши зарур деб ҳисоблаймиз, аммо мужассамлашув таъсири эса саноатда бўлганидан тубдан фарқ қилади, туристик мужассамлашувни маълум даражада ривожланиши монополияларни олдини олади, аҳоли ўртасида туристик тадбиркорликни ривожлантиради, аҳоли бандлигини ошириб, ишсизлик бартараф этишда ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга катта хизмат қилади.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш объекти ҳаддан ташқари йириклашуви иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди, туризм индустрияси ҳам бу жараёни йириклашуви салбий натижаларга олиб боради ва бундай ҳолда туристик оқимларни битта йўналишда тўпланиши натижасида туристик инфратузилмалар зўриқиб ишлайди, туристарни жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатишда узилишлар юз беради, бир вақтни ўзида катта туристик потокларга хизмат кўрсатиш қийин жараёндир.

Шу сабабдан туристик мужассамлашувни барча шаклларига имкон бериш мақсадга мувофиқ, акс ҳолда жойлаштириш қонунлари бузилади ва бир томонлама жойлашув кузатилади, ўта марказлашган туристик объектларни шакллантиради. Мамлакат туризм соҳасидаги даромадларни асосий қисмини Самарқанд, Бухоро, Хоразм ҳудудлари бериб, туризм индустрияси жадал ривожланиши кузатилади, учта вилоятда туризм индустриясига давлат инвестиция киритади ҳолос, қолган ҳудудларда туризм ўз ҳолича ривожланишига ташлаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида 2016 йилгача шу ҳолатда туризм ривожланди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан туризм индустриясига стратегик тармоқ мақомини бериш орқали барча ҳудудларда туризм салоҳиятини ўрганиш орқали туристик фаолиятни ривожлантиришга имкон яратилади.

Шу билан ҳар қандай ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатлар иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш учун мужассамлашув жараёнини тўғри англаб олиши керак бўлади, ҳамда туристик мужассамлашувни тўғри йўлга қўйилса қутилган иқтисодий самарадорликни таъминлаб беради. Туристик индустрияда дастлаб кичик бўлган туристик объектлар фаолиятини йўлга қўйиб, секинлик билан кенгайтириш таклиф қилинади, иқтисодиётдаги инқирозли шароитда тез ва осон қайтадан ихтисослаштириш мумкин бўлади. Бундай кичик туристик объектлар фаолиятини олиб бориш, уни бошқариш анча осон ва қулай ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Бугунки кунда иқтисодиётни барча соҳалари каби туризмни жадал ривожлантириш, юқори ривожланиш суръатлари даражаларига олиб чиқиш мақсад қилинган. Ҳар бир ҳудудда туризмни ривожлантириш, уларни имкониятларини аниқлаш

орқали туристик фаолиятни йўлга қўйиш, минтақавий жойлаштириш назариялари ва ишлаб чиқаришни ижтимоий шаклларида туризм индустриясида фойдаланиш орқали ҳар бир ҳудуд туризмни жадал ривожланиш суръатига эришиш бугунку куннинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Минтақавий назарияларни қўллаш орқали ҳар бир ҳудудларда юз бериши мумкин бўладиган ривожланиш даражаси, туризмдаги ижтимоий шакллари бир неча гуруҳларга ажратиш таклиф этилди:

Биринчидан, минтақавий туризмни ижтимоий шакллари тайёрлашда даврида А.С.Солиев, Э.А.Ахмедов, Р.Й.Маҳамдалиев, М.И.Назаров, З.Н.Тожиева, М.Ж.Болтаев, У.А.Атажановалар томонидан тайёрланган “Минтақавий иқтисодиёт” номли ўқув қўлланмада берилган ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ташкил этиш шаклларида тўғридан-тўғри олинди ва бу шакллар туризм индустриясида туристик ривожланиш драйверлари бўлиши мумкин;

Иккинчидан, минтақавий туризмнинг ижтимоий шакллари мужассамлашув, ихтисослашув, кооперация, комбинация номланиб, тўртта йирик гуруҳларга ажратди;

Учинчидан, туристик мужассамлашувга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унга кўра мужассамлашувнинг асоси сифати туристик мужассамлашув турлари, туристик объект, туристик марказ, туристик минтақаларни кўрсатилган.

Бундай минтақавий назариялардан туризм индустриясида фойдаланиш орқали ҳар бир минтақаларда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, туристик имкониятларини аниқлаш имкониятини яратиб беради. Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, туризм индустриясини ривожлантиришда ҳар бир ҳудудни ўрганиш, ҳудудларни туристик жозибадорлигини оширишга хизмат қилади, шу орқали туристик хизматлар турлари ихтисослашуви юз беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Bogdan Sofronov. (2018) THE DEVELOPMENT OF THE TRAVEL AND TOURISM INDUSTRY IN THE WORLD. *Annals of Spiru Haret University Economic Series* 18(4):123-137,
2. Claudio Calero, and Lindsay W Turner. (2020) Regional economic development and tourism: A literature review to highlight future directions for regional tourism research. *Tourizm Economics*. Vol 26, Issue 1, P 3-26;
3. David J. Telfer and Richard Sharpley. (2008) *Tourizm and Development in the Developing World*. Routledge, Taylor Francis Group, London and New York, P-280,
4. Leszek Butowski. (2010) Tourism as a development opment factor in the light of regional development the ories. *Tourizm* 20 (1) 5-10,
5. Snezana Vujadinovic, Dejan Sabic, Mirjana Gajic, Rajko Golic. (2023) Tourism in the context of contemporary theories of regional development. *Journal of the Geographical Institute Jovan Cvijic SASA* 73(3):355-370;
6. Snezana Vujadinovic, Dejan Sabic, Mirjana Gajic, Rajko Golic. (2023) Tourism in the context of contemporary theories of regional development. *Journal of the Geographical Institute Jovan Cvijic SASA* 73(3):355-370;
7. Морозов М.А, Морозова Н.С, Карпова Г.А, Хорева Л.В. “Экономика туризма” учебник. М. 2014 г. 98 с;
8. Морозова Н. С. Теория и методология формирования и развития конкуренции в туризме : дисс. д-ра экон. наук : 08.00.05. — Сочи, 2012. — 335 с.: ил. РГБ ОД, 71 13-8 / 118;
9. Егоров Н.Н, Морова И.А, Полянская Н.Я. “Перспективы развития туристического рынка Республики Саха (Якутия)” монография. Санкт-Петербург. 2014 г. 10 с;
10. Балабанов И. Т., Балабанов А. И. Экономика туризма. М. : Финансы и статистика, 2003;
11. А.С.Солиев, Э.А.Ахмедов, Р.Й.Маҳамдалиев, М.И.Назаров, З.Н.Тожиева, М.Ж.Болтаев, У.А.Атажанова. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. Тошкент “Университет” 2003 й, 22-23 б

<p>З.Абдулхакимов</p> <p>Место и роль региональных теорий в развитии туристической индустрии</p> <p>Аннотация. В данной статье показано влияние региональных теорий, служащих развитию индустрии туризма, направления развития индустрии туризма каждого региона путем выделения видов туристических социальных форм. Разработаны научные предложения и рекомендации по путям ускоренного развития деятельности туристических объектов в регионах, их перспективные направления.</p> <p>Ключевые слова: мировой рынок туризма, туристическая индустрия, региональные концепции туризма, туристические объекты, туристические центры, туристические социальные формы, интеграция, специализация, сотрудничество, комбинирование, движущие силы туризма, туристические возможности, туристические услуги, глобальное пространство.</p>	<p>Z.Abdulkhakimov</p> <p>The place and role of regional theories in the development of the tourism industry</p> <p>Abstract: This article shows the influence of regional theories serving the development of the tourism industry, the direction of development of the tourism industry of each region by identifying types of tourist social forms. Scientific proposals and recommendations on ways of accelerated development of the activities of tourist facilities in the regions, their promising directions are developed..</p> <p>Key words: Keywords: world tourism market, tourism industry, regional tourism concepts, tourist objects, tourist centers, tourist social forms, incorporation, specialization, cooperation, combination, tourist drivers, tourist opportunities, tourist services, global space.</p>
--	---

Aziza Javaxirovna Mir-Djafarova - Samarqand iqtisodiyot va servis instituti assistenti

MEHMONXONA XO‘JALIGIDA YASHIL TEXNOLOGIYALARNI JORIY QILISHNING INNOVATSION YECHIMLARI

<p>Annotatsiya. Mazkur maqola, mehmonxona xo‘jaligida yashil texnologiyalarni joriy qilishning innovatsion yechimlariga bag‘ishlangan. Mehmonxonalarda energiya samaradorligini oshirish, suv resurslaridan tejamli foydalanish, chiqindilarni kamaytirishga yo‘naltirilgan texnologiyalar kiritish, ekologik toza mahsulotlar va xizmatlar orqali mehmonxona mijozlari ehtiyojlarini qondirish imkoniyatlari ko‘rib chiqilgan. Maqolada yashil texnologiyalarning nafaqat atrof-muhitga, balki iqtisodiy samaradorlikka ham ta’siri o‘rganilgan.</p> <p>Kalit so‘zlar: ekologiya, mehmonxona, yashil texnologiyalar, innovatsion yechimlar, energiya samaradorligi, suvdan tejamli foydalanish, chiqindilarni kamaytirish, ekologik mas’uliyat, barqaror turizm.</p>

Kirish. O‘zbekistonda bu masala ayniqsa dolzarb, chunki mamlakatda turizm sohasi faol rivojlanmoqda va mehmonxonalarining ekologik mas’uliyatini oshirish milliy rivojlanish strategiyalariga mos keladi. O‘zbekiston hukumati tomonidan qabul qilingan "Yashil iqtisodiyot" kontseptsiyasi barqaror turizmni rivojlantirish va yashil texnologiyalarni keng joriy qilish orqali iqtisodiy va ekologik muammolarni hal qilishga qaratilgan. Shu sababli, mehmonxona sohasida energiya samaradorligini oshirish, suvni tejash va chiqindilarni kamaytirish mamlakat uchun katta ahamiyat kasb etmoqda.

So‘nggi yillarda dunyo miqyosida ekologik barqarorlik masalalari jiddiy e’tiborni jalb qilmoqda. Iqlim o‘zgarishi, resurslar tanqisligi va atrof-muhitning ifloslanishi kabi global muammolar zamonaviy sanoat tarmoqlarini ekologik mas’uliyatli bo‘lishga majbur qilmoqda. Shu jumladan, mehmonxona xo‘jaligi ham atrof-muhitga zarar yetkazmaydigan, yashil texnologiyalarni joriy qilish zarurati bilan duch kelmoqda. Mehmonxona sohasi katta miqdordagi energiya va suv iste’mol qiladi, shuningdek, chiqindi hosil qiladi, bu esa tabiatga salbiy ta’sir ko‘rsatadi.

Xorijda esa ko‘plab davlatlar, ayniqsa Yevropa va AQSh, mehmonxona biznesida yashil texnologiyalarni joriy qilishda sezilarli yutuqlarga erishmoqda. Masalan, Yevropa Ittifoqi mamlakatlarida mehmonxonalar uchun "yashil sertifikatlar" tizimi ishlab chiqilgan bo‘lib, bu ekologik standartlarga mos faoliyat yurituvchi mehmonxonalarini rag‘batlantirishga qaratilgan. Bu amaliyot nafaqat mehmonxona biznesining raqobatbardoshligini oshiradi, balki mijozlarning

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 11.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.